

«Ҳаж-2022» мавсуми доирасида сўнги зиёратчилар гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар.



16:27 / 30.06.2022 2282

Бугун 30 июнь, зулҳижжа ойининг биринчи куни, эрта тонгда Тошкент халқаро аэропортидан бўлғуси ҳожиларимиз Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар.

Аллоҳ таоло Ҳаж амалини адо этишга отланган юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилсин, Байтуллоҳ ёнида дуо қилишни барчамизга насиб этсин!

Маълумот ўрнида шу йилнинг 18-30 июнь кунлари Тошкент-Мадина, Бухоро-Мадина, Наманган-Мадина, Самарқанд-Мадина, Қарши-Мадина, Урганч-Мадина, Нукус-Мадина йўналишлари бўйича ҳаж сафарига

кузатилган зиёратчилар худди шу йўналишлар бўйича 14-31 июль кунлари юртимизга қайтиб келадилар.

Аллоҳ таоло барчаларимиздан Ўзи рози бўлсин!



